

**ЭКОНОМИКА И НАУКА В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ.
РАЗВИТИЕ НОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ
ТЕАТРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ТАШАББУСНОМАСИ**

Қолқанатов Асилбек Назарбай ўғли
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтининг таянч докторанти

Республикамызда 2017 йилга қадар давлат театрлари сони 37 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда 41 тага етди. 2015 – 2016 йилларда 3 та театр реконструкция қилинган бўлса, 2016 – 2023 йилларда 11 та театр мукамал таъмирланди ва қайта жиҳозланди. Давлат театрлари томонидан 2017 йилда маҳаллий гастроллар 15 та, хорижий гастроллар 7 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилда 28 та хорижий ва 160 та маҳаллий гастроль сафарлари амалга оширилган. 2017 йилда театрларда давлат буюртмаси асосида атига 3 та асарга маблағ ажратилган бўлса, 2018 – 2022 йиллар давомида жами 70 та асарга давлат буюртмаси асосида маблағлар йўналтирилди. Хусусан, 2022 йилда 40 та асар учун 15 млрд сўмлик, 2023 йилнинг ўтган даврида 23 та асар учун 6 млрд сўмлик давлат буюртмалари берилган.

2017 йилга қадар театрлар репертуарида тарихий асарлар сони 35 тани ташкил этган, ҳозирги кунда 2024 йили 55 тадан ортиқ. Театрларга томошабинлар ташрифи йиллик режанинг 70% ни ташкил этган бўлса, 2018 – 2022 йиллар давомида йиллик ташрифлар 3 млндан ошиб, 94% гача юқорилаб, йиллик янги саҳналаштириладиган спектакллар сони 110 тадан 126 тага етказилгани барчамизни хурсанд қилиши муқаррар. Шунингдек, театрларнинг илмий салоҳияти ва нуфузи ортганлиги инобатга олиниб, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрига академик, Ўзбекистон давлат кўғирчоқ театрига миллий унвони ва яқиндагина Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрига “Академик” макоми берилгани соҳа ходимларнинг узлуксиз саъй-ҳаракатлари ва меҳнатларининг самарасидир.

2016 – 2024 йилларда бир қатор театрлар янгидан ташкил этилди ва мавжудларининг сифатли ва тўлақонли фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, Навоий ва Наманган вилоятларида кўғирчоқ театрлари фаолияти янгидан йўлга қўйилди. Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри, Жиззах вилояти кўғирчоқ театри бинолари янгидан қурилди. Жиззах, Сирдарё вилоятлари мусикали драма театрлари биноларида реконструкция, Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри, Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри, “Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студиясида мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев “Инсон ва жамият ҳаётида, халқнинг маънавий дунёсини, онг-у тафаккурини юксалтиришда театр санъатининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир” – дея янги Ўзбекистон маданий ҳаётида янги тараққиёт даврини бошлаб берган эди. Театрлар фаолиятини яхшилаш учун билдирилган ҳар қандай ижодий ва ижобий таклифлар қўллаб-қувватланди.

Бу каби ислохотларнинг узвий давоми сифатида, янги ташаббуснома яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги “Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 399-сон қарори қабул қилинди. Қарор асосида театр санъатининг ривожланишига доир амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар соҳа ходимлари учун катта аҳамият касб этмоқда. Аминмен, мазкур қарор театрларнинг тараққиёти учун ташаббус ва маслак бўлиш баробарида унинг жамиятдаги мавқесини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплексли ёндашув бўлади.

Ҳозирги кунда театрларни бадиий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жаҳон стандартларига мос келадиган замонавий технологиялар ва методологиялар билан бойитиш учун мўлжалланган шундай имманент ҳужжат – ташаббуснома ниҳоятда зарур эди. Сабаби, соҳа кундан-кунга тараққий этиб, янада ўнғайроқ ривожланишга муҳтожлик сезаётганди. Театр санъати бошқа санъат турларидан фарқли ўларок, ўзида эстетик ва бадиий қадриятларни акс эттиради. Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий қиёфасини шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Қарорда театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, миллий, диний, маҳаллий, минтақавий ва умуминсоний каби бир қатор қадриятларни тарғиб қилувчи янги сахна асарлари яратиш белгиланган. Бу ишлар эса, буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти ва ижодини сахналаштириш орқали амалга оширилиши қарорнинг чуқур илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб қабул қилинганлигидан далолатдир. Шу билан бирга, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, ўлмас ва халқчил сахна асарлари орқали давр руҳини халққа етказишда бу ҳозирликлар муносиб хизмат қилади. Шу ўринда Президентимизнинг куйидаги иқтибосини келтириб ўтиш жойиздир: “Келажак авлодлар албатта фахр билан тилга оладиган ана шундай буюк тарих ва келажакни яратиш бизнинг ўз қўлимизда”.

Қарорда театр санъатининг замонавий технологиялар ва жаҳон тажрибаси билан бойитилишига алоҳида тўхталиб ўтилиб, жаҳоннинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш, технологик жиҳатдан замонавийлаштириш бу борадаги муҳим қадамлар эканлиги алоҳида қайд этилади. Инновацион технологияларни жорий этиш, театр сахнасидаги эффектлар, визуал ва аудио технологиялар, шунингдек, акустик шароитларни яхшилаш орқали томошабинларга янгича ижодий томоша маконини тақдим этиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, театрларнинг бадиий савиясини ошириш, халқимиз ва туристларга савияли ва савжияли маданий хизматлар тақдим этиш учун имконият яратади.

Театрларни иқтисодий тарафдан қўллаб-қувватлаш, бюджет маблағларининг самарали тақсимланиши ва бошқа ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаси асосида яратилган спектакллар учун ташкил этиладиган молиявий ёрдамлар, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан янги сахна асарлари сахналаштирилиши кўзда тутилган. Бу театрларда ижодий эркинликни ошириш, менежмент ва маркетинг хизматларидан фойдаланиш учун туртки бўлмоқда.

Театр маркетинги тушунчаси бугунги кунда хорижий ва маҳаллий илмий адабиётларда, хусусан, санъатшуносликда кенг қўлланилмоқда. Санъатшунос ва социолог А.М. Меньшиков фикрига кўра, театр маркетинги – бу театр маҳсулоти (спектрал)га бўлган талаб ва томошабин аудиториясининг ўсишини таъминлаш имконини берувчи стратегия бўлиб, унда сахна санъати бозорини ўрганиш ва ички ҳамда ташқи муҳитни комплекс таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. А.П. Панкрухин эса, “театр маркетинги – бу театр маҳсулоти (спектрал)га нисбатан театрнинг мақсадли аудиторияларининг позициялари ва хулқ-атворини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ўзгартириш учун амалга ошириладиган фаолиятдир” – дея тавсифлайди. Янги Ўзбекистонда ҳам театр маркетингини амалиётга жорий этиш соҳанинг энг эҳтиёж талаб ва оғриқли тарафи десак муболаға бўлмайди. Мадомики, театр менежменти учун интибоҳ даври бошланди. Санъатшунослик фанлари бўйича илмий ишларда ҳам театр маркетинги, менежменти каби замонавий мавзулар тадбиқ қилишга зарур ихтисосликлардир. Буни олимларимиз чуқур таҳлил қилиб, диссертацияларга мавзу беришда анаънавий мавзулардан қошиб, янгича ёндашса айни муддао бўларди.

Эндиликда театрлар брендини яратиш, фандрайзинг, маркетинг ва қўшимча пулли хизматларни йўлга қўйишда хусусий сектор хизматларидан фойдаланишга рухсат берилиши театрларнинг ижтимоий ва иқтисодий имкониятларини кенгайтиради.

Эндиликда театрлар хусусий сектор ёрдамида брендларини яратиши ва уни профессионал тарзда ривожлантириши, реклама қилиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, маркетинг ва қўшимча пулли хизматлар орқали театрлар ўз томошабинларига янада кўпроқ хизматлар, масалан, махсус VIP хизматлар, эксклюзив кечалар, сахна орқасида қўшимча турлар таклиф қилишлари мумкин. Соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг ҳам малакасини ошириш борасида бир қатор тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида давлат театрлари директори лавозимига номзодларни менежерлик ўқув курсларида ўқитиш ҳамда уларга менежерлик сертификатини бериш тизими жорий қилиниб, бунда давлат театрлари директорлари ва ўринбосарлари ҳамда ушбу лавозимларга номзодларни менежерлик ўқув курсларида ўқитиш ва уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқланиши шавқу-шарорлардан савту садо бериб келаётган ижодий соҳани замонавий нуқтаий назардан олдга силжитиб юборди.

2023 йил давомида Таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог ходимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг махсус режа асосида малака ошириш курслари йўлга қўйилган бўлиб, Ўзбекистон давлат хореография академиясида такшил этилган қисқа муддатли малака ошириш курсларида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 507 нафар; Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ташкил этилган малака ошириш курсларида 325 та болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 298 нафар директорлари, 279 нафар директор ўринбосарлари, 283 нафар бош бухгалтерлари ҳамда 317 нафар кутубхона ходимлари; Олий таълим муассасаларининг 229 нафар профессор-ўқитувчилари малака оширишга жалб қилинган. Эндиликда мазкур рўйхатдан театр ходимлари ҳам жой олади. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Мусиқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида 2024 йил якунига қадар вазирлик тасарруфидаги таълим муассасаларда фаолият олиб бораётган педагог кадрлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда раҳбар ходимлардан 4500 нафарининг малакаси ошириш учун шарт-шароитлар яратилган экан.

“Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – беш-ўн йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак,” – деган эди, президентимиз. Шу сабабли ҳам маданият ва санъат соҳасида кадрлар малакаси ва уларнинг кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

“Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг ёшларбоп жиҳати шундаки, аҳоли кенг фойдаланадиган Instagram, YouTube, Facebook ва ВКонтакте каби ижтимоий тармоқларда театрларнинг саҳифаларининг очилиши, ижтимоий тармоқларда кенг аудиторияга эга блогер ва инфлюэнсерларни жалб этган ҳолда театрлар бўйлаб махсус экскурсия ташкил этиш ва уларнинг ижтимоий тармоқлари орқали кенг аудиторияга намойиш этиш йўлга қўйилади. Айниқса ёшлар ҳам офлайн ҳам онлайн тарзда театр билан бир нафасда дам олади. Театрларга ўз фаолиятини ёритиш учун билетлар сотувидан олинган маблағлар ҳисобидан ижтимоий тармоқлар ҳамда интернет тармоғида реклама хизматларини ташкил қилиш (SMM, таргет) учун шартномалар тузишга рухсат берилиши соҳада дориломон кунлар келгандидан далолат бериб тургандек. Театрларнинг ривожланишини қўллаб-

қувватлашда давлат буюртмаларининг ахамияти катта. Нодавлат театр ва театр-студияларга давлат буюртмаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳам худди бурғу чалинган овоздек нодавлат театрлари этиборини ўзига тортган бўлса, не ажаб. Давлат театрлари билан бир қаторда нодавлат театрлар учун махсус буюртмалар асосида спектакллар яратиши ва гастрол сафарларига чиқиши чекка худудларда ҳам томошабинларга янги асарларни етказиш имконини беради.

Театр санъатининг ривожланиши ва унинг замонавий талабларга мослашуви учун белгиланган янги чоралар, шу жумладан давлат театр биоларининг қурилиши ва модернизацияси, санъатнинг бадиий ва технологик жиҳатларини янги босқичга кўтарилганлигидан далолат беради. 2025-2028 йилларда театрлар биоларининг қурилиши, реконструкция қилиниши, таъмирланиши ва модернизацияси бўйича тасдиқланган дастур нафақат биоларни янгилаш, балки театрларнинг муҳим маданий масканларга айланиши учун зарур бўлган барча инфратузилма ва эстетик жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. 2025-2028 йиллар давомида Тошкент вилоятида кўп функцияли драма театрининг янгидан қурилиши, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали, Қўқон шаҳар мусиқали драма, Бухоро вилояти мусиқали драма театрларининг мукамал таъмирланишиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувида Ўзбекистон халқ шоири, атоқли давлат арбоби Ҳалима Умнаткуловна Худойбердиева ўқиган кўйидаги тўртликнинг ижобат бўлганини тасдиқлайди.

Ҳозирлан, бир шиддат, шахт келаётир,

Йўлда сенмас, кўк дарахт келаётир.

Ватан деб аталган кадргоҳларда,

Байроқдек ҳилпирар вақт келаётир!

Замонавий сахна механизмлари ва рақамли технологияларни қўллаш, нафақат бадиий асарларнинг юқори сифатда сахналаштирилишини таъминлайди, балки томошабинлар учун сахна ортидаги жараёнлар билан янада чуқурроқ танишиш имконини беради. Профессионал акустика табиий ёки рақамли овоз тизимлари томошабинларни ижро жараёнига қизиқишини яна бир қарра оширади. Бундай интеграциялашган тизимлар сахнадаги ҳар бир тафсилотни нозик тарзда ифодалай олади. Замонавий рақамли технологиялар, сахна эффектлари ва визуал элементларни янада кучайттириш орқали томошабинларга таъсир қилиш янада ошади. Замон талаби ҳам бу аслида.

Театрлар таракқиети ташаббусномасида мавжуд театрлар модернизациясида имконияти чекланган шахслар учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу қарор театрларнинг фақат маданий жойлар бўлиб қолмасдан, барча жамият қатламлари учун очиқ ва инклузив маконларга айланишини таъминлайди. Театрларнинг имконияти чекланган шахслар учун мослаштирилган бўлиши, лифтлар, эшиклар, махсус ўринлар ва йўлаклар, махсус хизматлар тақдим этилиши инсон қадри тамойилининг бир кўринишидир.

Бу ислохатлар маданий эркинлик билан бир қаторда жамиятда ҳамда санъат соҳасида ижтимоий тенгликни таъминлашга хизмат қилади. Театр биоларида имконияти чекланган шахслар ҳаракатланиши учун зарурий шароитлар яратиш мақсадида тифлошарҳловчи ҳамда сурдотаржимон фаолиятини жорий этилади. Бундан ташқари, театрларнинг замонавий концепциялари туристларга хизмат кўрсатишнинг ривожланишига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Театр биоларининг замонавий хизмат кўрсатиш: ресторанлар, кафе ва сотув ўринлари билан биргаликда маданий дастурларни ташкил этиши, жаҳон миқёсида театрни ривожлантиришга хизмат қиладиган унсурлардан биридир. Бу ўз навбатида, туристларни жалб қилиш, минтақавий маданий ҳаётни ижтимоийлаштириш имкониятини яратади.

ЭКОНОМИКА И НАУКА В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ. РАЗВИТИЕ НОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ

Театрлар фақат миллий мумтоз репертуарлар билан чекланиб қолмай, балки жаҳон театр санъатидаги янги йўналишларга ҳам очиқ бўлиши лозим. Театрнинг ички тузилмасига янги ёндашувлар ва ижодий лабораторияларни яратиш, хорижий тажриба асосида сахна декорацияси ва дизайнини модернизация қилиш ҳам қарорда илгари сурилган муҳим жиҳатладан бири ҳисобланади. Театрда ижодий ҳамкорликни кучайтириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва миллий театр санъатининг бадий сифатини ошириш учун тақдим этилган мукофотлар ва лойиҳалар театр жамоаларининг жаҳон миқёсидаги ўрнини мустаҳкамлашга сабабчи бўлади. Бу борада таклиф этилган “Нигоҳ” ижодий лойиҳаси, драматурглар, режиссёрлар, композиторлар ва рассомлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади.

Режиссёрлар, драматурглар, композиторлар ва рассомларнинг ўзаро ҳамкорлиги театрда сахналантирилладиган асарининг мазмуни ва сифатига бевосита таъсир қилади. Бундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир ижодкорнинг ўз устунликларини тан олиш ва мукофотлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот ва ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофотнинг таъсис этилиши, санъат соҳасида янги ғоялар яратиш ва ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашда катта рол ўйнайди. Ушбу мукофотлар орқали нафақат энг яхши асарлар тақдирланади, балки театр жамоалари учун янги ижодий туртки ва илҳом бўлади. Мукофотлар бўйича танловларнинг ҳар икки йилда ўтказилиши, ижодкорларни мунтазам равишда янги асарлар яратишга ундайди. Мукофот ғолиблари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланиши ижодкорларнинг моддий ҳолатини яхшилашга хизмат қилади. Рағбат уларни янги ижодий ташаббусларни амалга оширишга даъват қилади. 2025 йилдан бошлаб ҳар йили август ойида амалга оширилиши белгиланган “Нигоҳ” ижодий лойиҳаси театрда ижодий ҳамкорликни янада кенгайтиради. Лойиҳа доирасида режиссёр, драматург, композитор ва рассомларнинг ҳамкорлигида яратилинган асарларни сахналантириш, миллий театр санъатига янги Ўзбекистон жадид драматургларини олиб келишига ишонамиз.

Асосий ғоя – энг яхши бешта асарни қўллаб-қувватлаш ва уларни театр сахнасида намоиш қилишдир. Айниқса, рассомларни ҳам моддий рағбатлантириб бориш амалиётининг жорий қилиниши ҳақиқий янгилик, назаримизда. Абдулла Авлоний: “Маориф соясинда чикди бунча янги санъатлар, маорифнинг вужуди турмуши бир илми ҳикматдур” – дея битгани каби ҳар бир оқартув, маориф ишлари янгидан-янги санъат асарларини юзага чиқариб, ёш ижодкорлар ижодига қанот бўлиб, юксак парвозларга талпиндираверади.

Моҳиятан мутааллиқ қарорда миллий академик мусиқа санъатини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида ҳар икки йилда миллий композиторлар танловининг ўтказилиши ҳам кўзда тутилган. Композиторларнинг янги асарлари театрнинг бадий жозибасини янада ошириб, янги мусиқий йўналишлар ва ижодий ёндашувларни халққа етказишга сабаб бўлари аниқ. Янги Ўзбекистоннинг театр санъати ва таълим тизими ўртасидаги узвий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган мазкур қарор маданий ва илмий юксалишга бирдек камарбаста бўлади. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига мақсадли қабул квоталарини белгилаш, театрлардаги кадрлар эҳтиёжини инобатга олиб, малакали мутахассисларни тайёрлашга ҳам диққат қаратилаган.

Бу ёндашув театрлар учун зарур бўлган ижодкорлар ва техник мутахассисларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал қилишга хизмат қилади. Мақсадли қабул квоталари, театрларда талаб катта бўлган соҳаларга (режиссёрлик, драматургия, сахна техникаси, актёрлик) тегишли равишда йўналтирилган профессионал салоҳиятни эгаллайдиган талабаларни тайёрлашни таъминлайди. Шундай қилиб, назария ва амалиётнинг бир-бирини тўлдирувчи тизими шаклланади. Бўлажак актёрларнинг театрға

бўлган қизиқишини ошириш ва амалий кўникмаларини шакллантиришда театрлар билан биргаликда ишлаш муҳим ўрин тутди. Қарорда талабаларнинг театрлар билан бевосита ишлашлари, ҳафтада камида икки кун амалий машғулотларда иштирок этишлари кераклиги таъкидланган. Бу амалий машғулотлар орқали талабалар театрнинг ижодий ички муҳитида ишлаш тажрибасини тўплаб, ижодий қобилиятларини ривожлантиради. Натижада ёшларнинг нафақат назарий билимлар, балки касбий маҳорат ва кўникмалари юқорилайди. Театрлар янги авлод ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, уларга ўз билимларини амалда синаш имконини бериш орқали ўз фаолиятларини такомиллаштиради.

Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги ҳамкорлигида 2025-йилдан бошлаб ҳар йили 10 та пьесани саралаш, электрон тўпламини тузиш театр санъати соҳасидаги ижодий ва бадиий салоҳиятнинг янада юқорилашига хизмат қилади. Театрлар фаолияти бўйича бадиий кенгашни тугатиш ва ихтисослашган бадиий-эксперт гуруҳлари ташкил этиш масаласи театрларда ички ижодий муҳитини янги босқичга олиб чиқиш, ижодий эркинликни таъминлаш, сахна асарларининг сифатини яхшилаш ва жанрлар бўйича экспертизани профессионал даражага кўтаришда асосий омил бўлади. Ихтисослашган гуруҳларнинг ташкил этилиши, ҳар бир асарни жанри бўйича мутахассислар томонидан ўрганилиши ва аниқ тавсиялар берилишига замин яратади.

Бу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, театр фаолияти кўпроқ эҳтиёжларга мос равишда экспертиза қилинади. Ихтисослашган гуруҳлар сахнадаги ҳар бир спектаклни ўзининг тегишли жанр ва мавзусига қараб баҳолайдилар ва уларни санъатшунослик, адабий-бадиий, мусикий ва аудиовизуал хусусиятлари жиҳатидан таҳлил қилишади. Натижада театрда ижодий хатоликларга кам йўл қуйилиб, бадиий-илмий сифат ошади. Бадиий-эксперт гуруҳларининг фаолиятини мутаносиб равишда ҳақ тўлаб бориш масаласи, санъат соҳасидаги ижодий меҳнатни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ҳақ тўлаш тизими мазкур гуруҳларнинг юқори сифатли ва профессионал ишлашини рағбатлантиради.

Қарори театр санъати ва театр танқидчилигини янги босқичга олиб чиқишга йўналтирилган муҳим ташаббусларни ўз ичига олади. Ушбу қарорда театр фаолиятига таҳлилий баҳо бериш ва театр танқидчилигини рағбатлантириш мақсадида кўзда тутилган тадбирлар, соҳасидаги профессионализмни ошириш, санъатшунослик ва драматургия соҳасидаги илмий салоҳиятни мустаҳкамлашни кўзда тутди. Театр танқидчилари сахна асарларининг сифатини таҳлил қилиш орқали томошабинлар учун қимматли билим ва тажриба тайёрлайдилар. Театр танқидчилари ижодкорларнинг, режиссёрлар ва драматургларнинг ишларини баҳолаш, сахнага қўйилган асарларнинг бадиий тўғрилиги ва моҳиятини аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Президент қарорида театршунослик ва санъатшунослик йўналишидаги докторантлар ва профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш алоҳида таъкидланган. Ҳар ойда камида иккита спектаклни томоша қилиш ва ҳар чорақда бир маротаба янги спектакл кўригида иштирок этиш талаб қилиниши, соҳадаги мутахассисларнинг доимий равишда театрдаги энг сўнгги янгиликлари билан танишишини таъминлаб, илмий тадқиқотларнинг сифатини оширади.

2025-йилдан бошлаб, ҳар икки йилда тарихий ва замонавий мавзулар бўйича “Энг яхши пьесалар” танловининг ташкил этилиши театр санъатининг ривожланишига ва драматургияни янги рутбага кўтаришга хизмат қилади. Тарихий ва замонавий мавзулар — бу нафақат ўзбек миллий театрнинг кадриятлари, балки жаҳон маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиш учун муҳим ёндашувдир. Танловда ғолиб бўлган 20 та пьеса театр сахнасида намойиш этилади. Шунинг билан бирга, жаҳон драматургияси намуналаридан таржима қилинган асарларни сахналаштириш, миллий театр санъати учун янги ғояларни, турли маданий муҳитни

олиб киришга ёрдам беради. “Энг яхши таржима сахна асарлари” танловини орқали эса, жаҳон асарларини театрларимиз сахнасинда жонлантириш мумкин бўлади.

Танлов ғолибларига бериладиган мукофотлар, таржимонларнинг ва театр ижодкорларининг меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилади. Хорижий давлатлар театрларида маҳорат ошириш тизими, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг малакасини оширади ва улар учун янги тажрибалар, янги техник ва бадиий билимлар олиш имконини яратади. Ҳар йили 25 нафар ижодий ва ёрдамчи ходимлар хорижда ўз малакаларини ошириши, театрда ишлаш жараёнида янги услубларни ва техникаларни қўллашни ўргатади.

Театр жамоалари ва уларнинг ижодий ходимлари фаолиятини баҳолашда миллий рейтингнинг тузилиши театрларнинг ижодий жараёнини янада очиқ ва шаффоф қилишни таъминлайди. Миллий рейтингни шакллантиришда томошабинларнинг баҳоси ва санъатга муносабати асосий ўринни эгаллайди. Театр сахнасидаги ҳар бир спектаклни томошабинлар кузатиб боради ва улар томонидан билдирилган фикрлар, баҳолар рейтингнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Томошабинлар фикри инобатга олинади. 27 март – Халқаро театр кунда театр жамоаларининг миллий рейтингини эълон қилинади. Рейтинг томошабинларни ва маданият ихлосмандларини театрга жалб қилиш, янги ижодий ишланмалардан хабардор қилиш учун қулай платформа ҳисобланади.

“Спектаклларга чегирмалар тақдим қилиш” ва аксиялар ўтказиш театр эшикларини томошабинлар учун баралла очиб берди. Бу ўзгаришлар ёшларнинг, айниқса, талабалар ва уюлмаган ёшларнинг театрларга доимий ташриф буюришига имконт бўлди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун бепул кириш имкониятларини тақдим этиш, ижтимоий заиф қатламларга маданий хизмат кўрсатишнинг муҳим бир қисми, инсон қадрни тамойилининг амалий кўринишидир. Чипталарни реализация қилишни аутсорсинг асосида амалга ошириш орқали театрлар ўз хизматларини янада самарали ва профессионал тарзда кўрсатишлари мумкин. Аутсорсинг томошабинлар учун чипталарни онлайн сотиб олиш имкониятларини такомиллаштиради. Шунингдек, театрларнинг харажатларни камайтиради ва самарали бошқарувни таъминлайди. Томошабинлар чипталарни қулай ва тез сотиб олиш имконига эга бўлади. Театрларга ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва даромадларини ошириш мақсадида савдо нуқталарини, пулли хизматлар кўрсатиш шохобчаларини, реклама воситаларини жойлаштиришга руҳсат берилади. “Сахна ортига саёҳат” каби экскурсиялар ташкил этиш, театрни кўпроқ интерактив ва оммага очиқ қилиш имконини беради. Давлат театрлари томонидан спектакль премералари камида бир ой олдин эълон қилиб борилади. Театрлар тараққиёти ташаббусномасининг муддаоси – янги Ўзбекистонда ижодий эркин, инсон қадрни тамойили асосида фаолият олиб борадиган театрлар фаолиятини йўлга қўйишдир. Энди театр ходимларидан янада фидойилик, олийжаноблик ва касбга меҳр-муҳаббат талаб этилади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “биз сизларнинг тимсолингизда театр деган ноёб ва беқиёс маънавий бойликни асраб-авайлаб, ривожлантириб, келгуси авлодларга безавол етказиб келаётган олижаноб инсонларни кўрамиз”. Мазкур қарор ижросининг нақадар ҳаётбахшлиги, амалга оширилиши маънавий бойликни асраб-авайловчи, сиз каби олийжаноб инсонларнинг фаолиятида кўринади. Шундай экан, қарордаги тараққиёт тамойиллари ва илгари сурилган ташаббуслар амалга ошса, театр санъаткорлари орасидан янги авлод Ғани Аъзамов, Ҳамза Умаров, Шукур Бурхонов, Ҳожиакбар Нурматов, Абдор Ҳидоятлов, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Ойимхан Шамуратова, Шамурат Утемуратов, Шуҳрат Аббосов ва Баҳодир Йўлдошевлари етишиб чиқишига ишонаман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kalkanatov, Asilbek. "PROFESSIONAL QUALIFICATION OF THE MANAGER IN THE CULTURAL FIELD." JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE 2.9 (2023): 19-23.
2. Kalkanatov, Asilbek. "THE IMPORTANCE OF MANAGING THE PARTICIPATION OF CULTURAL AND ART INSTITUTIONS AND ORGANIZATIONS IN CULTURAL ACTIVITIES." Journal of Innovation, Creativity and Art 2.9 (2023): 7-10.
3. Abatbaevna, Saparbaeva Gulshira, and Qolqanatov Asilbek Nazarbaevich. "History of the Development of Spiritual and Educational Processes in Karakalpakstan." (2023).
4. ЮЛДАШЕВА, Манзура, and Асылбек КОЛКАНАТОВ. "ПУТИ ФОРМИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ В СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ СРЕДЕ." Journal of Culture and Art 1.1 (2023): 16-20.
5. Zokirovich, Muminmirzo Kholmuminov, and Asilbek Kolkhanatov Nazarbaevich. "A LOOK AT THE HISTORY OF CLUB ESTABLISHMENTS AND CULTURAL AND EDUCATIONAL PROCESS IN UZBEKISTAN." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 10.2 (2022): 37-44.
6. Юлдашева, Манзура, and Асылбек Колканатов. "OILAVIY DAM OLIH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA IJTIMOY VA MADANIY MARKETING." Scientific journal of the Fergana State University 3 (2022): 6-6.
7. Xolmo‘Minov, Mo‘Minmirzo, and Asilbek Qolqanatov. "MUFASSAL MUSHOHADALAR ME‘MORIDAN MUFASSAL MUSHOHADALAR MEROJI." Oriental Art and Culture 3.2 (2022): 568-580.
8. Yuldasheva, Manzura, and Asilbek Qolqanatov. "O ‘ZBEKISTONDA MUZEY MENEJMENTI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH XUSUSIYATLARI." Oriental Art and Culture 3.1 (2022): 254-260.
9. Xolmo‘Minov, Mo‘Minmirzo, and Asilbek Qolqanatov. "O‘ZBEKISTONDA MADANIY-MA’RIFIY ISHLAR VA KUTUBXONALAR FAOLIYATI (XX ASR TAJRIBALARIDAN)." Oriental Art and Culture 3.1 (2022): 281-290.
10. Kholmuminov, Muminmirzo, and Asilbek Qolqanatov. "The Formation of the First Libraries in Uzbekistan and the Role of Increasing the Cultural and Educational Awareness of the Population." International Journal on Integrated Education 4.12 (2021): 146-151.
11. Kolkhanatov, Asilbek. "IFTIKHORI TIMSOLI TUMOR BRANCH." JOURNAL OF HEALTHCARE AND LIFE-SCIENCE RESEARCH 2.11 (2023): 67-69.
12. Nazarbay o‘g‘li, Qolqanatov Asilbek. "OMMAVIY TOMOSHA MUASSASALARI FAOLIYATI TAHLILI." Academic Integrity and Lifelong Learning (France) 2 (2023): 15-21.
13. Kalkanatov, Asilbek, Shahabatdin Makhamatdinov, and Islam Urazbaev. "ACTIVITIES OF NEW KARAKALPAKSTAN CULTURAL CENTERS: REFORM AND ANALYSIS." Art and Design: Social Science 3.01 (2023): 1-4.
14. Xolmo‘Minov, Mo‘Minmirzo, and Asilbek Qolqanatov. "HIMMATNING QIYMATI ILM VA TAFAKKUR XAZINASI." World of Philology 2.1 (2023): 59-64.
15. QOLQANATOV, Asilbek. ""O ‘ZBEKKONSERT” DAVLAT MUASSASASI FAOLIYATI: TADQIQOT VA TAHLIL." TA’LIM VA INNOVATION TADQIQOTLAR 12 (2023): 8-14.
16. Nazarbai, Kolkhanatov Asilbek. "NEW VOICE IN UZBEK DIRECTION." Journal of Innovation, Creativity and Art 2.12 (2023): 65-70.
17. Alfiya, Qolqanatova. "Milliy Musiqa San’ati Va Yoshlar Tarbiyasi." Journal of Creativity in Art and Design 1.2 (2023): 16-20.

**ЭКОНОМИКА И НАУКА В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ.
РАЗВИТИЕ НОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ**

18. QOLQANATOV, Asilbek. "MA'DANIYAT VAZIRLIGI VA MADANIYAT MARKAZLARI: TARIXIY TARAQQIYOT JARAYONLARIDAN." News of UzMU journal 1.1.1. 1. (2024): 16-20.
19. Nazarbay o'g'li, Qolqanatov Asilbek. "OMMAVIY TOMOSHA MUASSASALARI FAOLIYATI TAHLILI." Academic Integrity and Lifelong Learning (France) 2 (2023): 15-21.
20. Nazarbaevna, Qolqanatova Alfiya, and Kojalepesov Sultanbay Serjanovich. "The Importance of Scenario in Cultural Events." EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION 4.2 (2024): 259-262.
21. Yuldasheva, M. B., and A. N. Qolqanatov. "KADRLAR POTENSIALI IJTIMOIIY-MADANIY SOHADA TASHKILOT FAOLIYATI SAMARADORLILIGINI OSHIRISHSHNING YETAKCHI OMILI SIFATIDA." Inter education & global study 8 (2024): 58-68.

WORDLY
KNOWLEDGE